

Малайзияда Ислом молия маҳсулотлари



15:07 / 21.11.2023 662

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида Ислом молияси ва банк иши мавзусида суғурта ва лизинг компаниялари ҳамда тижорат банклари вакиллари учун семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Семинарнинг навбатдаги куни ўзбекистонлик тренинг иштирокчиларига Малайзия халқаро ислом университети қошидаги Ислом банкчилиги ва молияси институти профессори, ААОIFI Шариат кенгаши аъзоси (эслатиб ўтамиз, ушбу халқаро ташкилотнинг Шариат Кенгаши раиси, шайх Муҳаммад Тақий Усманий ҳазратларидир) профессор Азнан Ҳасан Малайзияда энг кўп қўлланиладиган асосий ислом молия маҳсулотлари ҳақида маълумотлар берди. Ушбу суҳбат юртдошларимизга Малайзия ислом банк-молия тизимини англаб етиш, баҳсли масалаларни тушуниб олиш имкониятини тақдим этди. Хусусан, Малайзияда энг кўп қўлланиладиган молия маҳсулотлари Таварруқ*, ижара ҳамда мушарака мутанақиса эканини билиб олишди. Аксарият уламолар фикрича, Малайзияда қўлланиладиган Таварруқ молиявий маҳсулоти баҳсли ҳисобланади, чунки улар ушбу молия маҳсулотини ташкиллаштирилган, деб билишади. Бироқ Доктор Азнан фикрича, Малайзияда кенг қўлланиладиган

Таварруқ ташкиллаштирилган эмас ва шу сабабли зиддиятли ҳам эмас. Профессорнинг тушунтиришига кўра, Таварруқ схемасида иштирок этувчи Малайзиядаги ҳар бир компания ёки молия муассасасида шариат масалалари бўйича маслаҳатчи бор ва у таварруқнинг ташкиллаштирилган тоифага тушиб қолмаслигини назорат қилиб туради (яъни бундай бўлмаслигини таъминловчи тегишли чоралар кўради).

Изоҳ: *Таварруқ ҳақида ушбу ҳавола орқали маълумотни очиб ўқишингиз мумкин:*

https://t.me/lzohlar_IslomMoliyasi/13826